

**ТДШИ Жахон сиёсати, тарих ва фалсафа факултети**  
**Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси**  
**“Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий**  
**тадқиқот усуллари мутахассислиги**  
**2-курс магистранти Хидирова Г.Р.**  
**Илмий рахбар: Ҳ. Лутфуллаев**

**"Фазоил-и Балх" асарида Балх тавсифи**

Ўрта асрлар Балх шаҳри нафақат Ўрта Осиё ва Марказий Осиёнинг, балки бутун Шарқнинг ҳам йирик ва қадимий шаҳарларидан бири бўлган. Бу қадимий шаҳар ҳақида жуда кўп археологик ва ёзма манбалар мавжуд. Шулардан бири Абу Бакр Абдуллох ибн Умар ибн Мухаммад ибн Довуд ал-Балхийнинг “Фазоили Балх” (Балх фазилатлари) асаридир. Асар ҳижрий 610-йил (милодий 1214-й.) араб тилида ёзилган. “Фазоил-и Балх” асари ўзининг қимматли маълумотлари билан кўпгина олимларни жалб қилган. Асар ёзилганидан сўнг унинг устида қилинган биринчи иш унинг таржимасидир. Ушбу таржима Абдуллох ибн Мухаммад ибн ал-Қосим ал-Хусайний ибн ал-Хусайний томонидан 1277-йилда араб тилидан форс тилига таржима қилинган. Кейинги тадқиқотчиларга асарнинг ана шу форс тилидаги нусхалари етиб келган. Кейинги асрларга келиб унинг бир неча шахслар томонидан ёзилган нусхалари пайдо бўлди. Асар устидаги энг катта ишни Техронлик олим Абдулхай Хабибий олиб борган. У асарнинг мавжуд бўлган нусхаларини топиб маълумотларнинг йуқолган қисмларини бир-бири билан тўлдириш орқали ишини нихоясига етказди. Шефер ҳам ўз ишларида бу асарнинг икки қисмини келтириб ўтади. Шарқшунос олимлардан В.В.Бартольднинг олиб борган тадқиқотлари ичида ҳам ушбу асар ҳақидаги маълумотларни кўришимиз мумкин. Ислом тасаввуфи билан шуғулланган немис олими Б. Радтке бу борада ўзининг ажойиб бир мақоласини эълон қилади. Ватандошимиз тарихчи олим Б.А. Ахмедов ҳам ўзининг “История Балха” номли асарини ёзишда ушбу асардан фойдаланган. Яна бошқа кўплаб олимлар ушбу асардан ўз тадқиқотлари учун фойдаланишган.

Асар уч қисмдан, кириш ва хулосадан иборат. Нашрнинг тўлиқ қисми дастлаб кириш билан бошланиб, ундан кейин асарнинг қўлёзма нусхалари, таржимони, асар ёзишда мурожаат қилинган асарлар ва асар матни, сўнгида муаллиф тарафидан берилган изохлар тартибида берилган. Нашрнинг асосини асосий матнда келадиган учта бўлим ташкил этади. Биз тадқиқот давомида ушбу нашрдан фойдаландик. Биринчи бўлимда “Фазоиلى Балх” асари, унинг муаллифи, Балх тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Иккинчи бўлим Балхнинг географиясига бағишланган бўлиб, куйида батафсил бу ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Шайх ул-ислом Воиз<sup>1</sup> айтадики, Балх неъматлари зикри Балх ахлига вожибдир, ва бу шаҳарнинг неъматлари ўзига хос бўлиб, аниқ ва равшандир, ва шарҳ ва кўп гапга эҳтиёж сезмайди. Зероки неъматлар икки хилдир: дин неъматлари ва дунё неъматлари. Аммо аввал ушбу шаҳарга хос бўлган дин неъматлари<sup>2</sup> шудирки: унинг яратилиши ислом даврида бўлгандир. ва унинг аҳолиси исломга собит ва қатъий бўлганлар. Бу ерни Қуббат ул-ислом деб (аталиши) маъқулланиши шу маънодан айтилгандир. Чунончи китоб дебодчасида айтилгандики<sup>3</sup>: Балх шаҳри ислом даврига қадар ҳароб бўлган ва ислом даврига (келиб) обод бўлди. Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасри<sup>4</sup> раҳматуллоҳ даврида арабларга нисбатан кўпроқ маҳаллалари бўлган. Навбахор дарвозасидан чиқилгандиган дастлабки сарой ва кўча Дорхорб ибн Арвон ал-Саиддир ва ундаги Харб масжиди машҳурдир, ва бугун ўша маҳаллани кемасозлар<sup>5</sup> маҳалласи деб атайдилар. Иккинчи маҳалла Маҳлаб ибн Рошиддидирки, уни чак нависон (агар чекан چکن бўлса танга зарб қилувчилар) деб атайдилар, учинчи маҳалла дорўлфороваже<sup>6</sup>, тўртинчи

---

<sup>1</sup> “Фазоил-и Балх” асарининг муаллифи. Муаллифнинг асл исми араб тилида шайхулислом бакият ус-салаф ва устод ул-халаф Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Довуд ал-Воиз сафо ул-миллат ва дин ал-Балхий бўлиб, ушбу исм китобнинг 2, 4, 6, 433 саҳифаларида учрайди.

<sup>2</sup> Ушбу шаҳарга хос бўлган дин

<sup>3</sup> Китобда қайд қилинган

<sup>4</sup> Ал-Қасири ёки Ал-Қасири

<sup>5</sup> кемачилар

<sup>6</sup> Бу сўзнинг асл шакли маълум бўлмади. Балки Дорўлфороғане бўлса керак.

дорўлферот, бешинчи жой сакари<sup>7</sup>, олтинчи жой Мақотел<sup>8</sup> ибн Сулаймон, ва бугун уша махаллани чопқир от махалласи деб атайдилар, еттинчи жой Абдул-азиз Мақбари, саккизинчи жой Мақотел Мақбари, тўккизинчи жой махлаб, ўнинчи жой Фотиманинг отаси, ўн биринчи жой ал-эжтиходдирки ва бу сўз исломда (даврида) яратилганлигининг исботидир.

Иккинчи неъмат шудирки, холис ислом ахли бўлганлар ва бошқа шаҳарларда бўлган турли миллатлардан, яхудий, насроний, мажусийлар, мусулмон бўлмаганлар ва бошқалардан бу шаҳар тоза (холи) бўлган, ва ханафий миллатидан ташқари бошқа ҳеч қандай миллатга эга бўлмаган. ва бундай бахт ва саодат бу шаҳарни (аҳолисини) мамнун қилганки, у ерда ҳеч ким бутпараст бўлмаган ва малак ул-мулукга (аллоҳга) ширк келтирмаган.

Учинчи неъмат шудирки, суннийлар мазхабидан бошқа ёмон, бидъат мазхаблар бўлмаган ва Балх аҳолиси юмшоқ табиатли, ўзаро самимий, мурувватли ва сабрли бўлиш билан бирга дин ва мазхабда ниҳоятда мустаҳкам ва маҳобатли бўлганлар.

Тўртинчи неъмат барча воқеа ва ходисаларда ўзларининг яратганларига тўғри таваккал ва ишончда бўлганлар ва ҳеч муҳими ҳақдан (аллоҳ) бошқага мурожаатга ижозат бермаганлар. Ва ихтиёр тизгини ва хоҳиш жиловни (билан) қазога қўлни қўйганлар (қўлни қўкрак устига қўйилиши). Шунинг учун жамоатда ҳақ субҳана таоло ўзининг марҳамати ила етарли муҳимликларни намоён қилган.

Бешинчи неъмат: ғариблар дўстлиги ва ғамхўрлиги уларнинг аҳолини (аллоҳ томонидан яхши ишлари учун) тақдирланган деб амал қилганлар токи бутун жаҳонга маъруф-у машхур ва мисол бўлсинлар.

Олтинчи неъмат: фақирлар ва ночорларга яхшилик, эҳсон ва ёрдам саховат ахли дўстлиги ва уламолар тарбияси, мақташга лойиқ ахлоқи, ижобий

---

<sup>7</sup> Сакари - касби шакар сотиш ва уни тайёрлаш бўлган сакарга мансубдир.

<sup>8</sup> Таржимаси жангчи

ҳаракатлари уларнинг мақташга арзигулик одатларидан бўлган ва зодагонлари ва уларнинг оддий халқи кўпинча фақиҳ ва диндор бўлганлар. Ва авом учун фойда бўлсин деб форсий масалаларда дарс ўқиганлар.

Еттинчи неъмат: тавозели, юмшоқ табиатли, саҳий ва мурувватли бўлганлар ва ҳаргиз ва ҳеч қачон золим подшоҳ қўлида қолмаганлар. Чунки ҳақга (аллоҳга) юзланганларида ҳақ субҳана ва таоло уларнинг муҳимини (тилагини) бажо келтирган.

Саккизинчи неъмат: сўзда, ширин иборалар ва араб тили тузилишида ва метафораларда мураккаб ва тушунарсизликларни кўрсатганлар. Ва барча олимлар яхши билганлар. Аммо бу шаҳарга ҳос бўлган бошқа нарса бутун мамлакатга нисбатан қадимийдир. Ва унинг бошқа шон-шухрати жаҳоннинг турли чеккаларига етиб борган, Туркистон томондан унинг бутун атрофларига, ва Хиндистон томондан Али ақси ал-Белод машҳурдир.

Аммо Римда: у шаҳарнинг барча тарих китоблари ва савдогарлар суҳбатлари унинг зикрига нотикдир ва бу шаҳарга ҳос бўлган ислом подшоҳлари ва халифаларининг марҳамати шарҳ ва тафсилотга эҳтиёж сезмайди. Аммо жоҳилият даврида аҷамда оташпарастрларнинг қаъба ва мачити (сиғинадиган жой) бўлган. Ибн Шузаб<sup>9</sup>дан етиб келишича, иблисининг уйи Хуросонда бўлиб уни “Балх Навбоҳори” деб аташади ва ҳар йили эҳром олишган ва ўша хона зиёратини ўтказишган. Шундан бошлаб оташпарастрлар қаъбаси ва аҷамлар мачити бўлган.

Ибн Шузабдан ривоят қилинишича, янги шамсий йил бошланганда Тохаристон, Хиндистон, Туркистон, Ироқ шаҳарларидан, Шом ва Шомотдан зодагон ва амалдорлар бу шаҳарга келишарди. Ва етти кун Навбахорда байрам қилишарди. Чунки давлат оламлар султониға етди. Балх фатҳи Муовия даврида Саид ибн Усмон қўлиға ўтди. Лайс Саиддан етиб келишича

---

<sup>9</sup> Абу абдулрахмон Абдуллоҳ ибн Шузаб Балхи

(191 йилда) Балх фатхи Хажжож ибн Юсуф қўлида бўлган. Бу ҳам бу шаҳарнинг машхурлигининг исботидир.

Кейингиси: бу шаҳарнинг жойлашуви икки чегара ўртасидадир ва дарадир. У катта чегара бўлгандир: бир томондан Хинд диёри дараси ва чегараси, бир томондан Туркистон чегарасидир, ва Хинд ва Балх орасидаги тўсиқдир. Турк шаҳарлари икки улкан водийдадир, шубҳасиз Жайхун ва Сайхундир.

Кейингиси: бу шаҳар халойиқ тўпланадиган жой бўлган. Чунончи агарда маккада ҳаж мавсуми вақти бўлмаса, ҳеч қайси бир шаҳарда бирор кимса кўринмайди.

Кейингиси: ҳар йили доимий Хиндистондан қарвон етиб келарди, ва латиф (ақоқир)лардан, камфор, алое (медицинада ва техникада қўлланиладиган хиди ўткир модда) ва бошқалардан (тайёрланган) атир маҳсулотлари, бамисоли шакардек мазали ширинликлар, ҳисоб ва чегарада сақланадиган (ноёб) турли нафис товарлар, Туркистон томондан ой юзли қанизаклар ва оқ бадан ғуломларни савдогарлар олиб келишарди ва тафғожи<sup>10</sup> қумуш тангалари, Фарғона ипаги, қимматбаҳо тоғ тошлари ва кўплаб жавахирлар шарх-у изохга мухтож эмас.

Кейингиси: Бу замин фойдага тўладир, ва унинг яқинидаги баъзи тоғлар ва баъзи сувларда ҳақиқий соф қумуш ва олтин қонлари бор. Бир томондан Балх тоғларидаги дунёга машхур Бадахшон бўлиб мис, олтингугурт, (асреб), туз ва ўтин беҳисобдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муаллиф ислом уламоларидан бўлганлиги сабабли асарни ёзишда ислом тарихчилари йўлидан боради ва шунинг учун ҳам асарда ҳадис ва оятларни кўплаб учратиш мумкин. Асарда Балхнинг жойлашуви, табиати, аҳолиси, табиий бойликлари ҳақида

---

<sup>10</sup> Тафочи қумуш тангалари. Тафғож ёки тамғож Туркистон вилоятларидан бўлиб Тамғожхон унга мансубдир. Сум сўзи хозирда ҳам Туркистонда нақд танга маъносида амалда бор.

қимматли маълумотлар берилган. Бу маълумотлар Ўрта Осиё тарихий географиясини ёритишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ал-Балхи, Абу Бакр „Абд Аллах ибн „Умар ибн Мухаммад ибн Давуд Ва„из. Фаза’ил-и Балх / Изд. „Абд ал-Хайй Хабиби, Техран, 1350/1971.
2. Ахмедов Б. А. История Балха (XVI-первая половина XVIII в)Ташкент: Фан, 1982.
3. Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана. Соч., т. УП.М.,1971.
4. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Сочинения в 9 томах. Т. 2. Часть 1. М., 1963. (а)
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Сочинения в 9 томах. Т. 1. М.: Наука, 1963. (б)
6. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. Ташкент, 1996.